

## Озор берманг!



08:00 / 17.01.2021 2702

Ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан сафарда эдик. У зот бир юмушлари билан кетдилар. Шу пайт иккита полапони бор бир қушни кўриб қолиб, унинг полапонларини олиб қўйдик. Полапонларнинг онаси келиб, тепамизда айлана бошлади. Набий соллаллоху алайҳи васаллам келиб, «**Ким буни боласи туфайли аламга қўйди? Боласини қайтариб беринглар**», дедилар.

Бир сафар чумоли уясига ўт қўйиб юборган эдик, буни кўриб қолиб, «Ким бунга ўт қўйди?» деб сўрадилар. «Биз», дедик. У зот алайҳиссалом: «**Олов билан фақат оловни яратган Зотгина азоблашга ҳақли**», дедилар».

*Абу Довуд ривоят қилган.*

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**